



# MILLIY TIKLANISH

15 (387)

2016 йил 20 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг 53 фоизга яқинини ёшлар ташкил этади

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови истеъдодли хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган

Ўтган йилда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари 800 дан зиёд депутатлик назоратини олиб борган

Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?

## Тарих ва ўзликни англаш — маънавий куч

Президентимиз томонидан ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлодда ўз халқи, Ватани тақдирига дахлдорлик туйғуси, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда маънавий-маърифий жабҳаларда кечаятган янгилаш жараёнлари, бу йўналишда эзгу савий-ҳаракатлар хорижий давлатлар томонидан намуна сифатида эътироф этилмоқда.

ЎзМТДП ўз фаолиятида ёшларда тарихий хотира, миллий ўзлик туйғусини, юксак фазилатларни шакллантириш, уларни истиқлол гоёларига садоқат, она-Ватанимизга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қўлга киритилаётган ютуқ ва марраларнинг аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшларга тушунтиришда барча даражадаги партия ташкилотлари фаолларининг ҳам ҳиссаси катта. Буни, айниқса, навқирон авлод онгида "Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?", "Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз!" каби фикр-ғояларнинг шаклланиб бораётгани мисолида янада тараққий қилмоқчи бўлган ёшларимизнинг мисолида кўриш мумкин. Мамлакатимиз ёшлари бугун ана шундай эзгу гоё атрофида бирлашмоқда, бир тану бир жон бўлиб келажакка интиломоқда.

Ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, уларда маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнларга нисбатан мустақил фикрни шакллантириш ЎзМТДП ташкил этилган тадбирларнинг бош мавзусига айланган.

> 2-бет.

Миллий гуруҳ

## Санъат гулшанининг юлдузи



Мамлакатимизда миллий musiқа санъатимизни янада раванқ топтириш, санъатсевар болаларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариш учун муносиб шарт-шароит яратилмоқда.

Бунда болалар musiқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ жойларда янги санъат мактаблари, маданият масканлари қад ростламоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилларда 136 болалар musiқа ва санъат мактаби янгидан барпо этилди, 142 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди.

> 6-бет.

Ислохотлар самараси



## Саноатни диверсификациялаш ва юқори рақобатдошликни таъминлаш

тараққиёт ва фаровонлигимизга янада кенг имконият яратади

Тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантириш, диверсификациялаш, жаҳон майдонида мамлакатимиз рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган ислохотлар юксак самаралар бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида иқтисодиётдаги энг муҳим ва стратегик йўналишлар сифатида хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун янада кенг имкониятларни яратиш вазифаси белгиланган.

Таъкидлаш жоиз, миллий тикланиш гоёси маънавий-маданий тараққиёт билан бир қаторда халқаро бозорда ўзимизнинг сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тенг рақобатлаша оладиган кучли миллий иқтисодиётни ҳам назарда тутилади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти барқарор ўсишини таъминлашнинг асосий йўналиши ички ривожланиш манбаларига таяниш ва иқтисодиётнинг реал секторига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, мамлакатимиз ҳудудларида юқори технологик ва самарали маҳаллий бизнесни тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратиш, келажак авлодлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ер ости бойликлари ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган сиёсат ва амалий ишларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ЎзМТДПдан сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

> 2-бет.

Депутат нигоҳи

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсат натижасида Ўзбекистон иқтисодий барқарор, тез ривожланаётган давлатга айланди. Юртимизда тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ва фаровон ҳаёт ҳукмрон.

## Кучли миллий иқтисодиёт

халқ фаровонлигини таъминлаб, Ўзбекистоннинг халқаро ўрнини мустаҳкамлайди

Барча соҳа ва тармоқларда барқарор ривожланиш, ўсиш кузатишмоқда, янги лойиҳа ва самарали режалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Мамлакатимиз эришаётган юқори натижалар, барқарор иқтисодий тараққиёт Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аниқ рақам ва далиллар асосида таҳлил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида келтирилган барча ютуқ ва самаралар, жаҳон рейтингдаги натижалар халқ фаровонлигини, ҳаёт сифати ва даражасини таъминлашга, мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан раванқ топиб, дунё майдонидаги ўрнини юксалтиришга хизмат қилаётди. Дунёнинг қўлгина давлатларида молиявий инқироз ҳамон сақланиб қолаётган бир пайтда, Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилиб, саноат ва ишлаб чиқаришнинг улуши йилдан-йилга ошиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Мамлакатимизда энг замонавий, улкан ва ноёб саноат объектлари барпо этилди.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

## Она тили софлиги — миллат бойлиги

халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи илгари сурган ташаббус асосида қарор қабул қилинди

Бугун ахборот шиддатлашган даврда халқлар ўз миллий қиёфасини сақлаб қолиши ўша миллат вакилларининг кучли билим ва тафаккурига, юксак маънавиятига боғлиқ. Айниқса, ёшларимизга тўғри тарбия бериш, уларни саводли, оқини қорадан ажрата оладиган қилиб камолга етказиш ҳозирги глобаллашув даврида янада долзарб аҳамиятга эга. Zero, маънавиятли, маърифатли, мамлакат тақдирини ўз қўлига олишга қодир ёшлар юрт келажаси, халқ эртасининг эгаларидир.

Она тили — миллатнинг тарихий, маънавий-маданий қиёфасини ўзида ифодаловчи муҳим восита. Унинг софлигини сақлаш эса миллат қиёфасини, руҳининг покизалигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Модомики шундай экан, ён-атрофимизда, жамоат жойларидаги турли реклама баннерлари ва пешлавҳалардаги ёзувлар, айрим оммавий ахборот воситаларидаги хато ва гализликларга эътиборли бўлиш, уларни бартараф этишга ҳисса қўшиш — барчамизнинг бурчимиз.

Аввал хабар берганимиздек, бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари жойларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолатини ўрганиб, тегишли ташкилотлар билан биргаликда йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликларнинг олдини олишга ҳисса қўшиб келмоқда.

> 3-бет.

Ушбу сонда:

## Миллий кўғирчоқлар

баркамол авлод тарбиясида муҳим восита



> 4-бет.

## Табиатга эътибор — она заминга эҳтиром



> 7-бет.

## Суратларда акс этган қалблар

Тасвирий ва амалий санъат фестивалида ёшларнинг икки мингга яқин ижод намунаси ҳавола этилади



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!













